



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

9 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
ТОМ 9, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST  
VOLUME 9, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2026

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
ЎзР. ФА. Тарих институти

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
ЎзР. ФА. Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

**Аминова Азиза Марковна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Навоий давлат педагогика институти

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

**Худайқулов Тулқин Дўстбоевич**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Шаҳрисабз дала педагогика институти

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қариши давлат техника университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қариши давлат университети

**Махкамova Надира Рахмановна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Телави давлат университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодири Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ермегов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Андижон давлат университети

**Рашидов Ойбек Расулович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қозогистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қозогистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Тожибоев Музаффар Турдибоевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
ИИВ Академияси

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Озарбайжон давлат университети

**Саипова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Таниева Гулдона Мамановна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайдон давлат  
иқтисодиёт университети

**Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Гулистон  
давлат педагогика институти

**Нуруллаева Шоира Кушназаровна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Урганч давлат университети

**Курбанов Бахтияр Журабаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Наманган давлат университети

**Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети  
**Масъул котиб**

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исаков Баҳадир Нигматуллаевич**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Холмуродов Дилшод Рашидович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Жиззах давлат  
педагогика университети

**Юсупов Аҳмеджон Шоназарович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доценти  
Urganch davlat universiteti

**Тиллажаева Хуршида Джумаваевна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Тошкент давлат техника университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети  
**Масъул котиб**

**Исоқов Бахтиёр Робидинович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Наманган давлат университети

**Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент,  
Наманган давлат университети

**Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент,  
Наманган давлат университети

**Алимардонов Отабек Қудратович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доценти  
Ўзбекистон Миллий университети

**Турсунова Юлдуз Бобоқулловна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
ЎзР. ФА. Тарих институти

**Азаматова Гулмира Байирбековна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Jizzax davlat pedagogika universiteti

**Каримжонов Жасурбек Мухторжонович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Ўзбекистон Миллий университети

<b>1. Diloram Babajanova</b> O‘ZBEKISTON XOTIN-QIZLARI:ILM-FAN DARG‘ALARI TARIXDA VA HOZIR.....	5
<b>2. Nilufar Dalibayevna Djurayeva</b> XOTIN-QIZLARGA MUNOSABAT MASALASIDA SOVETLAR SIYOSATI: MANBALAR TAHLILI VA TARIXSHUNOSLIK MASALALARI.....	13
<b>3. Наргиза Абдурахманова</b> ЗАМОНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА АБУЛ БАРАКОТ НАСАФИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	30
<b>4. Шерзод Таштурсунович Бахранов</b> ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНИНИ РИВОЖЛАНИШИ: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАРИ.....	37
<b>5. Ixtiyor Voxodir o‘g‘li Voxodirov</b> TURKISTON HARBIY OKRUGI TOMONIDAN 1916-YILGI JIZZAX QO‘ZG‘OLONING BOSTIRILISHI VA UNING OQIBATLARI.....	47
<b>6. Наргиза Кенжаева</b> ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ПРОСОПОГРАФИК МЕТОДНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ: ПОМИР РУС ТАДҚИҚОТЧИЛАРИНИНГ ЖАМОАВИЙ БИОГРАФИЯСИ (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ).....	53
<b>7. Lola Yusupovna Samatova</b> IKKINCHI JAHON URUSHI DAVRIDAGI SOVET UCHUVCHI AYOLLAR BO‘LINMASI TO‘G‘RISIDA.....	66
<b>8. Ismoil Alimbayevich Nurmetov</b> O‘ZBEKISTONDA BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARINI (BRM) AMALGA OSHIRISH STRATEGIYASI.....	72
<b>9. Malika Xaydarova Shaxriddin qizi</b> AMIR TEMURNING JANGLARDAGI HARBIY MAHORATI.....	78
<b>10. Feruza Erkinovna Atajanova</b> OLIIY TA‘LIM SOHASIDAGI ISLOHOTLAR TENDENSIYALAR TAHLILI.....	83
<b>11. Muborak Madrimovna Matyakubova</b> XVI-XIX ASRLARDA XIVA XONLIGI BOZORLARIDA BOZORBOSHI, RAIS, MUHTASIB, SARROFLAR VA DALLOLLARNING FAOLIYATI VA HUQUQIY MAQOMI.....	89
<b>12. Анварбек Муродович Омонов, Маъруфжон Нурулиевич Рўзиев</b> КЎЛБУЛОҚ МАКОНИ ТОШ ИНДУСТРИЯСИНИНГ ТАҲЛИЛИГА ДОИР (ИЛК ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА).....	94




**Наргиза Кенжаева,**

Чирчиқ давлат педагогика университети тузилмасидаги  
Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори,  
Тарих кафедраси доценти,  
kenjaeva82@inbox.ru

**ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ПРОСОПОГРАФИК МЕТОДНИНГ  
ҚЎЛЛАНИЛИШИ: ПОМИР РУС ТАДҚИҚОТЧИЛАРИНИНГ ЖАМОАВИЙ  
БИОГРАФИЯСИ (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ)**

**For citation:** Nargiza Kenjaeva. APPLICATION OF THE PROSOPOGRAPHICAL METHOD IN HISTORICAL RESEARCH: THE COLLECTIVE BIOGRAPHY OF RUSSIAN EXPLORERS OF THE PAMIRS (LATE 19<sup>TH</sup> – EARLY 20<sup>TH</sup> CENTURIES). Look to the past. 2026, vol. 9, issue 5.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.20082784>

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Помир минтақасини ўрганган рус тадқиқотчилари фаолиятини ёритишда тарихий тадқиқотларда просопографик методнинг имкониятлари таҳлил қилинади. Анъанавий биографик тадқиқот ёндашувидан фарқли ўларок, экспедиция раҳбарлари, офицер-топографлар, географларнинг “жамоавий портретини” яратиш орқали минтақани ўзлаштиришдаги ижтимоий ва касбий жиҳатлари очиқ берилади. Тадқиқотда А. Федченко, М. Скобелев ва Б. Громбчевский, И. Мушкетов ва В. Ошанин каби шахсларнинг қиёфаси илмий изланиш ва ҳарбий бурч уйғунлиги контекстида кўриб чиқилади. Шунингдек, “Катта ўйин” давридаги геосиёсий рақобат шароитида илмий ҳамкорлик ва давлат манфаатларининг ўзаро боғлиқлиги, харитага туширилган ҳудудларнинг сиёсий аҳамияти просопографик таҳлил ёрдамида асослаб берилган. Мақола тарихшуносликда янги методологик ёндашувларни қўллаш самарадорлигини кўрсатиб бериши билан аҳамиятлидир.

**Калит сўзлар:** просопография, Помир, “Катта ўйин”, жамоавий биография, рус тадқиқотчилари, экспедиция, А. Федченко, Б. Громбчевский, М. Скобелев ҳарбий - топография, харита.

**Наргиза Кенжаева,**

директор Музея памяти жертв репрессий в структуре  
Чирчиқского государственного педагогического университета,  
доцент кафедры истории,  
kenjaeva82@inbox.ru.

**ПРИМЕНЕНИЕ ПРОСОПОГРАФИЧЕСКОГО МЕТОДА В ИСТОРИЧЕСКИХ  
ИССЛЕДОВАНИЯХ: КОЛЛЕКТИВНАЯ БИОГРАФИЯ РУССКИХ  
ИССЛЕДОВАТЕЛЕЙ ПАМИРА (КОНЕЦ XIX – НАЧАЛО XX ВВ.)**

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье анализируются возможности просопографического метода в исторических исследованиях при освещении деятельности русских исследователей Памира в конце XIX – начале XX веков. В отличие от традиционного биографического подхода, через создание «коллективного портрета» руководителей экспедиций, офицеров-топографов и географов раскрываются социальные и профессиональные аспекты освоения региона. В исследовании рассматриваются образы таких личностей, как А. Федченко, М. Скобелев, Б. Громбчевский, И. Мушкетов и В. Ошанин в контексте сочетания научного поиска и воинского долга. Также с помощью просопографического анализа обосновывается взаимосвязь научного сотрудничества и государственных интересов в условиях геополитической конкуренции периода «Большой игры», а также политическое значение картографированных территорий. Статья значима тем, что демонстрирует эффективность применения новых методологических подходов в историографии.

**Ключевые слова:** просопография, Памир, «Большая игра», коллективная биография, русские исследователи, экспедиция, А. Федченко, Б. Громбчевский, М. Скобелев, военная топография, карта.

**Nargiza Kenjaeva,**

Director of the Museum of the Victims of Repression  
at Chirchik State Pedagogical University,  
kenjaeva82@inbox.ru.

**APPLICATION OF THE PROSOPOGRAPHICAL METHOD IN HISTORICAL  
RESEARCH: THE COLLECTIVE BIOGRAPHY OF RUSSIAN EXPLORERS OF THE  
PAMIRS (LATE 19<sup>TH</sup> – EARLY 20<sup>TH</sup> CENTURIES)**

**ABSTRACT**

This article analyzes the potential of the prosopographical method in historical research by examining the activities of Russian explorers of the Pamir region in the late 19th and early 20th centuries. In contrast to traditional biographical approaches, this study reveals the social and professional aspects of regional development through the creation of a "collective portrait" of expedition leaders, military topographers, and geographers. The research explores the figures of A. Fedchenko, M. Skobelev, B. Grombchevsky, I. Mushketov, and V. Oshanin within the context of the synthesis between scientific inquiry and military duty. Furthermore, prosopographical analysis is used to substantiate the interconnection between scientific cooperation and state interests amidst the geopolitical competition of the "Great Game," as well as the political significance of cartographic achievements. The article is significant for demonstrating the effectiveness of implementing new methodological approaches in historiography.

**Index Terms:** prosopography, Pamir, "Great Game", collective biography, Russian explorers, expedition, A. Fedchenko, B. Grombchevsky, M. Skobelev, military topography, map.

**1. Долзарблиги:**

Замонавий тарихий тадқиқотларда просопографик методнинг қўлланилиши нафақат алоҳида ажралиб турган шахсларнинг биографияларини қайта тиклаш, балки бутун бошли ижтимоий ва касбий гуруҳларнинг “жамоавий портретини” яратиш имконини беради, бу эса XIX аср охири – XX аср бошларидаги Помир тадқиқотчилари жамоасини ўрганиш учун айниқса долзарбдир. Анъанавий биографик тадқиқотлар асосан машхур шахслар фаолияти билан чекланиб қолган эди. Просопография эса тарих саҳнасидаги “иккинчи даражали” ва “номаълум” иштирокчиларни офицер-топографлар, шифокорлар, таржимонларни ягона ижтимоий гуруҳ сифатида таҳлил қилиш орқали тарихий жараёнларнинг тўлиқ манзарасини тиклаш имконини беради. XIX аср охири ва XX аср бошларидаги “Қатта ўйин” даврида Помир минтақаси нафақат ҳарбий, балки илмий-стратегик кураш майдонига айланган эди.

Тадқиқотчиларнинг жамоавий биографиясини ўрганиш орқали илмий изланишлар ва давлатнинг сиёсий манфаатлари қандай кесишганини очиб бериш ўша давр тарихини объектив баҳолаш учун муҳимдир.

## **2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси.**

Ю.Ю. Юмашева томонидан белгиланган назарий асосларга таянган ҳолда, биз просопографиянинг “элитар” шаклидан “оммавий” шаклига ўтишини кўриб чиқамиз[1]. Помир ва унга туташ минтақаларни ўрганиш Россия империясининг ҳарбий-стратегик вазифалари билан узвий боғлиқ бўлиб, бу экспедицияларнинг тадқиқот йўналишлари ва кадрлар таркибига ҳам ўзига хос талабларни кўяр эди[2]. О.Ю. Игошинанинг просопографик маълумотлар базасини лойиҳалаштириш методологиясини қўллаган ҳолда[3], Помир тадқиқотчилари гуруҳининг асосий биографик маълумотларини ижтимоий келиб чиқиши, академик тайёргарлик даражаси, шарқ тилларини билиши ва чегараолди низоларида иштирок этиш тажрибасини қайд этиш мумкин.

Помир минтақасининг ўрганилиш тарихини тадқиқ этишда просопографик методнинг қўлланилиши икки буюк империя — Россия ва Британия ўртасидаги кескин рақобат шароитида фаолиятини олиб борган рус олимларининг жамоавий қиёфасини яратиш имконини беради[4]. Мазкур мақолада Помир ва унга туташ минтақаларда фаолиятини олиб борган айрим тадқиқотчилар ва уларнинг изланишлари мисолида тарихий тадқиқотларда просопография методини қўллаш самарадорлигини оширишга ҳаракат қиламиз. Олиб борилган ушбу изланишларнинг тўлиқ ёритиб берилишига даъво қилмаган ҳолда, фақатгина фан тарихи бўйича тарихий тадқиқотларда ушбу методни қўллаш имкониятларини кўрсатиш мақсад қилинган. Тарихий тадқиқотларда просопография методини қўллаган ҳолда, Помир минтақасини илмий ва кейинчалик ҳудудий ўзлаштиришга ўз хиссасини қўшган сиёсатчилар, разведкачилар ва географлар, топографларни бирлаштирувчи жамоавий биографияни яратишга эътибор қаратилади[5].

## **3. Тадқиқот натижалари:**

Помир ҳудуди географик жиҳатдан ўрганилмаганлиги ва сиёсий жиҳатдан ўзлаштирилмаганлиги сабабли XIX асрда буюк давлатларнинг зиддиятлари мужассамлашган минтақага айланди. “Катта ўйин”нинг илк тарихчиси ҳисобланган Георгий Васильевич Чичерин “расмий дипломатик баённомалар ортида ҳамиша ташаббускор ва жасур ҳарбий агентлар сиймоси яширинган”лигини таъкидлаган эди[6]. Империя сиёсатининг кучи элчихоналарнинг безак ва ҳашаматли кўринишида эмас, балки Тибет ичкарасига ва Ҳиндикуш юксакликларига кириб борган инсонларда эди. Ушбу шахслар гуруҳининг просопографик таҳлили улар учун умумий бўлган хусусиятни яъни янги ерларни кашф этишга бўлган илмий қизиқиши ва разведкачи офицер ёки топографнинг қатъий касбий бурчининг уйғунлигини очиб беради.

Ушбу минтақада географик изланишлар олиб бориш ва давлат чегараларининг шаклланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик белгиловчи аҳамият касб этади[7]. Помир минтақасини харитага тушириш нафақат илмий вазифа, балки юқори даражадаги қарорлар қабул қилинишига таъсир кўрсатувчи сиёсий чегараларни яратишнинг ҳал қилувчи элементи бўлиб хизмат қилди. Рус тадқиқотчилари харитага туширилган ҳар бир довон ёки музлик давлатлараро баҳсларда далилга айланадиган шароитда ҳаракат қилдилар. Просопография методи ушбу гуруҳда шунчаки буйруқ ижрочиларини эмас, балки шахсий амбициялари ва илмий истеъдодлари баъзан расмий дипломатиядан илгарилаб кетган шахсларни кўриш имконини беради[8]. Мазкур гуруҳ вакиллари асосан, Бош штаб академияси ёки Ҳарбий-топография билим юрти битирувчилари бўлиб, уларни муайян касбий муҳитга мансублик ҳам бирлаштириб турарди[9]. Россиянинг Марказий Осиёдаги иқтисодий ва стратегик манфаатлари уларнинг фаолиятини белгилаб берувчи мутлақ омил бўлиб хизмат қилган.

Бу инсонларнинг умумий қиёфасини шакллантиришда Помирнинг совуқ табиий иқлими шароитида изланишларни олиб борганлигини англаш муҳим аҳамият касб этади[10]. Помир минтақасида изланишларни олиб бориш учун тадқиқотчилардан ўзига хос фавқуллодда чидамлили ва кўникмаларни, профессионал тайёргарликни талаб қилади. Рус

харбийлари бир вақтнинг ўзида ҳам альпинист, лингвист, маъмур бўлишлари лозим эди[11]. Ушбу шахсларнинг умумий тавсифида Европача илмий салоҳият ва билимларнинг ўзлаштирилиши ҳамда маҳаллий Шарқ шароитларига мослашувчанликнинг ўзаро уйғунлиги кузатилади. Тадқиқотчилар худудни ўрганишда маҳаллий аҳолининг ишончига сазовор бўлишликни стратегик аҳамиятга эга эканини тушунган ҳолда, нафақат ер тузилишини, балки маҳаллий тожик ва қирғизларнинг этнографиясини ҳам тадқиқ этганлар. Просопография методини қўллаш ёрдамида уларнинг жануб томон ҳаракатланиш босқичларини илк разведка ишларидан то мунтазам маъмурий бошқарувгача тизимли равишда таҳлил қилиш мумкин.

Рус тадқиқотчилари гуруҳининг инглиз “ҳамкасб”-рақиблари билан ўзаро алоқаси просопографиянинг муҳим жиҳатини ташкил этади. Кўпинча уларнинг муносабатлари ўзига хос илмий дўстликни эслатиб юборади. Кескин разведкага оид қарама-қаршилик шароитида астрономик маълумотларни ёки хариталар алмашинуви бунинг ёрқин далилидир[12]. Империялар ўртасидаги ўзаро қарама-қаршилик тўқнашуви фонида кузатилган ушбу “илмий олижаноблик” парадокси Осиёни ўрганиш бўйича рус мактабининг кўплаб вакилларига хос эди. Просопографик метод офицерларнинг ушбу индивидуал фазилатлари ўнлаб йиллар давомида барқарор хулқ-атвор моделларини қандай шакллантирганини тушунишга ёрдам беради. Помир улар учун нафақат кескин кураш майдони, балки буюк илмий ғояларни амалга ошириш учун қатта имконият худуди ҳам эди. Шундай қилиб, рус “помиршунослари”нинг жамоавий биографияси бу харитадаги “оқ доғ”лар империянинг чегараларини аниқлаб олиш худудига айланиши бўлди[13].

Рус сайёҳлари минтақани ўрганишга инглиз тадқиқотчиларидан сўнг киришдилар. Туркистон ўлкаси Россия империяси томонидан босиб олинганидан сўнг, Помир-Олой минтақасининг шимолий чеккаларини тизимли илмий ўрганиш бошланди. Узоқ йиллар давомида Қўқон хонлигида ҳукм суриб келаётган сиёсий беқарорлик мазкур минтақада ўрганиш ишларини ортга суриб келаётган эди. Фақат хонлик истило қилингандан кейингина, Россияни ғолиб сифатида Қўқон хонларининг вориси деб ҳисоблаган Туркистон мустамлака маъмурияти мантиғига кўра, улар ушбу Ғарбий Помир “хонликлари”га эгалик қилишга даъво қилдилар. 1872-1873 йилларда имзоланган инглиз-рус битими ҳам айнан шу ҳуқуқларни тасдиқлаган эди. Бироқ, 1902 йилда Туркистон генерал-губернатори ҳузуридаги Дипломатик амалдор князь Шаховскойнинг қайд этишича, “Туркистон маъмурияти янги кенг ўлкани тартибга солиш билан ҳаддан ташқари банд бўлиб, Помир минтақасига ўз вақтида эътибор қаратишнинг имкони бўлмади. Бунинг асосий сабаби эса, ўша пайтда Помирда рус ҳокимиятини зудлик билан амалда мустаҳкамлашга жиддий эҳтиёж ҳам сезилмаган эди. Чунки бу жойлар Фарғонадан жуда узоқда жойлашган, ўтроқ ҳаёт учун деярли яроқсиз, иқлими ўта қаттиқ ва ўсимлик дунёси ниҳоятда қашшоқ эди”[14].

Марказий Осиёнинг тоғли худудларини ўрганган илк рус тадқиқотчиларидан бири сифатида Пётр Семёновни (Тян-Шанский) қайд этиш лозим. Гарчи у Помирнинг ўзида бўлмаган бўлсада, 1856-1857 йилларда олиб борилган Тянь-Шань экспедицияси доирасида Марказий Осиё тоғли худудларини кейинги ўрганишлар учун пойдевор бўлиб хизмат қилди. У ердаги музликларни кашф этиб, Александр Гумбольдтнинг Марказий Осиё “музликсиз” ўлка деган илмий бўлмаган назариясини бутунлай инкор қилди.

Помир ва унга туташ минтақаларни ўрганишига келсак, ушбу сирли худудни ўрганишга уринган илк тадқиқотчилардан бўлган эр-хотин Алексей ва Ольга Федченколар бўлди. Улар рус фан оламининг пешқадам вакиллари бўлиб, рус қўшинлари кириб боришга улгурмаган ва сирли минтақаларни ўрганишга интилардилар. Одатда олимлар қўшинлардан олдин худудни ўрганардилар ва Янги даврнинг барча буюк империяларининг илғор эшелони сифатида намоён бўлардилар. Помир айнан Россия империяси чегаралари яқинлашиб қолган, аммо минтақа ҳақида етарли билимга эга бўлмаган худуд эди. Айнан мана шу билимлар етишмовчилиги сабабли Помир минтақасига экспедициялар уюштиришни бошлаган ва бу жараёнда оламшумул географик кашфиётлар қилган рус сайёҳлари, тадқиқотчилари ва олимлари бартараф этишлари лозим эди.

Помир тадқиқотчиларининг просопографик каторида Алексей Павлович Федченко сиймоси илмий пешқадам сифатида алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг 1869–1872 йилларда олиб борган экспедициялари кейинги тадқиқотчилар учун база яратди[15]. Кейинги давр тадқиқотчи-офицерларидан фаркли ўлароқ тоғларга табиатшунос сифатида келиб, унинг фаолияти Туркистон ўлкаси маъмуриятининг манфаатлари билан узвий боғлиқ эди. 29 ёшида Монблан чўққиларида фожиали тарзда якунланган Федченконинг ҳаёт йўли қисқа бўлишига қарамай, кейинги авлод “помиршунослари” учун мезон бўлиб хизмат қилган илмий ҳалолликни шакллантиришга улгуриб қолди.

Федченконинг асосий тадқиқот методи шахсий асбоб-ускуналари ёрдамида олган съёмкаларини маҳаллий аҳолидан йиғиб олган оғзаки маълумотлари билан чуқур таққослар эди. У инсон тафаккури бўшлиқларни ва маълумот етишмовчилигини қабул қилмаслигини англаган ҳолда, аниқ далиллар мавжуд бўлмаган пайтларда назарий билимлардан унумли фойдалана олган. Унинг “Қўқон хонлиги ва Амударёнинг юқори оқими харитаси”[16] ушбу ҳудудлар, жумладан, Помирнинг шимолий чеккалари бўйича биринчи ишончли рус харитаси бўлди. Федченко рус олимлари орасида биринчи бўлиб Олой орти тизмасининг улкан манзарасини очди ва кейинчалик Кауфман чўққиси деб номланган улкан чўққини кўрди. Унинг тадқиқотлари Помир шунчаки тоғ тизмаси эмас, балки тоғликлар ва водийларнинг ўта мураккаб тизими эканлигини исботлади. Унинг қайдларида амалга оширилаётган географик кашфиётлар келажакда маъмурий ҳаракатлар учун қўлланма бўлиб хизмат қилишини чуқур англаб етганлигини яққол сезиш мумкин.

Федченконинг просопографик қиёфаси унинг маҳаллий аҳоли билан ўзаро тил топиша олиш қобилияти билан янада тўлиқроқ намоён бўлади. Улардан ниҳоятда қимматли маршрут маълумотларини олиб, Шуғноннинг Помирдаги ҳудудий чегараси Олойгача яқин келишини аниқлади, бу эса келажакдаги чегарани белгилаш ишларида катта аҳамиятга эга бўлди. Унинг харитадаги “оқ доғлар”га нисбатан юқори даражада профессионал ёндошган ҳолда, нотўғри маълумотларни киритгандан кўра, ҳудудни шундайлигача қолдиришни афзал кўрарди. Федченко Гумбольдт ва Риттернинг назарий географик фикрларини жонли дала тадқиқотлари амалиёти билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилди. Унинг вафотидан сўнг, хотини Ольга Федченко эрининг материалларини қайта ишлаш ва дунёнинг етакчи топографлари билан ёзишмалар олиб бориш орқали унинг ишини давом эттирди, бу эса ушбу тадқиқотчилар гуруҳидаги интеллектуал изчилликни таъминлашга ёрдам берди.

Федченконинг илмий мероси Скобелев ва Куропаткиннинг кейинги стратегик ҳатти-ҳаракатларни олиб бориш учун дастурул амал бўлиб хизмат қилди. Унинг картографикага оид асарлари бир неча бор қайта тўлдирилиб нашр этилди. Ўн йиллар давомида ҳарбий хариталар яратиш учун асос бўлиб хизмат қилди. Помир тадқиқотчиларининг жамоавий биографияси Помирни афсонавий “Болор”дан Россиянинг илмий ва сиёсий манфаатларининг ҳақиқий объектига айлантирган инсон сифатида Федченкодан бошланади. Унинг сиймида меҳнатлари империя мулкига фидойи олим тимсоли гавадаланади. Федченко минтақанинг ижтимоий ва сиёсий тузумини англамасдан туриб, табиатини чуқур ўрганиш имконсиз эканлигини илмий жиҳатдан исботлаб берди. Айнан у помир қирғизларининг Қўқон хонлиги билан алоқалари ҳақидаги маълумотларни илмий муомалага киритди. Бу эса кейинчалик Россиянинг мазкур ҳудудларга нисбатан ҳукукий даъво қилишлари учун асос бўлди. Шу тариқа, Федченко Помирга кейинги рус офицер-топографларнинг келишига йўл очиб берган “интеллектуал кўприк”ни яратиб берди.

Михаил Дмитриевич Скобелев шахси Помир тадқиқотчиларининг жамоавий просопографиясини яратишда жўшқин ва қатъий ҳарбий-давлат стратегик ҳаракатлар тимсоли бўлиб хизмат қилади. “Оқ генерал” географик тадқиқотларни ҳарбий санъатнинг ажралмас қисми ва империя таъсирини мустаҳкамлаш воситаси деб ҳисобларди. Қўқон хонлиги тугатилганидан сўнг дарҳол ташкил этилган 1876 йилги Олой экспедицияси Россиянинг Помир ва унга туташ минтақаларда амалга оширилган биринчи кенг қўламли ҳарбий-илмий ҳаракат бўлди. Скобелев ўз отрядида энг яхши ҳарбий топографлар, геодезистлар ва табиатшуносларни бирлаштириб, “жанговар фан” моделини яратди. Унинг

биографиясида бу давр воҳаларни забт этишдан Осиёнинг стратегик калити деб ҳисоблаган баланд тоғли ҳудудларни ўзлаштиришга ўтиш даври сифатида қайд этилади.

Скобелев раҳбарлигидаги экспедиция таркибига А.Р. Бонсдорф, Лебедев, Л.Ф. Костенко, В.А. Коростовцев, В.Ф. Ошанин ва бошқа географ ҳамда табиатшунослардан иборат мутахассисларнинг катта гуруҳи фаолиятини олиб борган. Мазкур тадқиқотчилар Помиршунос олимлар просопографиясини яратишда муҳим аҳамиятга эга. Экспедиция иштирокчилари Олой водийсини ва шимолий Помирни тадқиқ қилдилар. Геодезист А.Р. Бонсдорф, топографлар подполковник Лебедев ва Л.Ф. Костенко Олой орти тизмасини Қизиларт довони орқали ошиб ўтиб, Қорақўл кўли сойи бўйига етдилар. Кейин улар Чонсу дарёси ва унинг ирмоғи Ўзбелсу (Қизилжийк) бўйлаб то Ўзбел довонигача йўлни давом эттирдилар. Л.Ф. Костенко довонни ошиб, Рангқўл кўли водийсига тушди. Аввалроқ шу экспедициянинг яна бир иштирокчиси, подполковник Витгенштейн ҳам Чонсу (Музқўл) дарёси ва унинг ирмоғи Оқбайтал (шимолий) бўйлаб Туюқсув (Оқбайтал) довонигача борган эди[17].

Скобелевнинг просопографик нуқтаи назаридан аҳамияти шундан иборатки, у харитани ҳокимият қуроли деб билган офицер-географлар тоифасини шакллантирди. Унинг отряди 25 минг квадрат верстга яқин ҳудудни харитага туширди ва 11 та астрономик пунктни белгилади. Скобелев чегараларнинг ноаниқлиги келажакда низоларни келтириб чиқаришини яхши тушунарди ва ҳудудларни қайд этишда максимал аниқликка интиларди. Унинг 1876 йилда Қашқар ҳукумати билан олиб борган ўзаро алоқалари рус офицерлари ҳарбий иштироки билан қўллаб-қувватланган нозик дипломатик ўйин олиб боришга кодирлигини кўрсатди. У Помир қирғиз уруғларининг Қўқон ҳукумати билан тарихий алоқаларини аниқлади, бу эса Фарғона вилояти ҳудудини кенгайтириш учун ҳуқуқий асос бўлди. Помир тадқиқотчилари Скобелев сиймосида қатъиятлилиқ намунасини кўрдилар ва Россиянинг геосийосий миссиясини чуқур англаб етдилар.

1876 йилги Олой экспедицияси 1880-йилларда Помир ҳудудини тизимли ўрганиш учун бошланғич нуқта бўлиб хизмат қилди. Скобелев раҳбарлигида тўпланган материаллардан кейинги топшириқ билан юборилган вакиллар, жумладан Куропаткин экспедицияси ҳам фойдаланди. Скобелевга хос бўлган съёмкага олиш мактаби юқори тезкорлиги ва амалий характери билан ажралиб турарди: хариталар асосан ҳарбий ва маъмурият эҳтиёжлари учун яратиларди. Унинг помиршунослар жамоавий биографиясидаги қиёфаси — “Дунё томи”га биринчи бўлиб мунтазам қўшинларни олиб келган ва ушбу воқеани картографик жиҳатдан муҳрлаган шахс (триумфатор) сифатида гавдаланади. Скобелевнинг Помирдаги фаолияти ушбу минтақада давлатнинг кучли қўллаб-қувватлашисиз илмий тадқиқот олиб боришнинг имкони йўқлигини исботлади. Шундай қилиб, у “Катта ўйин”нинг кейинги барча рус арбоблари ва тадқиқотчилари учун асосий ҳаракат ҳудуди бўлиб хизмат қилган ҳарбий-сийосий муҳит асосчисига айланди.

Бронислав Людвигович Громбчевский Помир тадқиқотчиларининг жамоавий биографиясини яратишда энг ёрқин ва кўп қиррали сиймо бўлиб гавдаланади[18]. Унинг просопографик қиёфасида порлоқ лингвист, жасур сайёҳ ва ўткир заковатли сийосий агент хусусиятлари мужассамлашган бўлиб, келиб чиқиши польшалик бўлган. Россия империясининг энг содиқ хизматкорларидан бирига айланган Громбчевский, ҳеч қандай ёрдамсиз, ташқи дунёдан узилган ҳолда, мутлақо нотаниш ва хавфли ҳудудларда ўз вазифасини аъло даражада бажара оладиган “якка тадқиқотчи” типини гавдалантирди[19]. Унинг форс, ўзбек ва тожик тилларини чуқур билиши маҳаллий саройларнинг сир-асрорларидан воқиф бўлишига ва бу маълумотларга британлик рақобатчиларнинг қўли етмас даражада қолиб кетишига имконини берарди[20]. Громбчевскийнинг 1888–1890 йилларда уюштирилган экспедициялари Ҳиндикуш ва Канжут ноҳияларига рус географ тадқиқотчиларининг кириб бориши учун кульминацион нуқта бўлди[21].

Громбчевский Помир ҳудудида истиқомат қилаётган оқсоқоллардан “тарихий ҳуқуқлар”ни даъво қилиш мақсадида Қўқоннинг илгариги ҳукмронлиги бўйича ноёб оғзаки маълумотларни тўплади. У бошқалар фақат “эгасиз ер”ни кўрган жойларда Россия

юрисдикциясининг далилларини топиб, Помирдаги Қўқон ноибларининг хронологиясини тиклади [22]. Раскем ва Тибет бўйлаб ўтказилган қишки юришлардаги шахсий жасорати, ҳатто ўлим ёқасига келиб қолгани душманларида ҳам ҳайрат уйғотди [23]. Громбчевский рус офицерлари орасида биринчи бўлиб Қашқар ва Ёрқанд қалъаларининг батафсил режаларини тузиб, уларнинг ҳарбий жиҳатдан заиф нуқталарини таҳлил қилди. Унинг “Помир аҳолиси бошлиғи” сифатидаги роли унга кўчманчиларнинг одатлари ва уруғчилик тузилишини билишга асосланган ноёб бошқарув тизимини яратиш имконини берди.

Громбчевскийнинг Фрэнсис Янгхазбенд билан ўзаро муносабатлари просопографик параллелизмнинг классик намунасидир [24]. Шахсий дўст бўлган икки офицер минтақада таъсир ўтказиш учун мурасасиз кураш олиб бориш билан бирга, илмий маълумотлар билан ҳам алмашганлар [25]. Громбчевский Россия манфаатлари нуқтаи назаридан зиддиятли бўлган ишга қўл урди ва Янгхазбендга Помирнинг энг янги рус харитасини берди, инглизлар кейинчалик ундан минтақани тақсимлашни режалаштиришда фойдаландилар [26]. Бу ҳаракатда унинг характеридаги бир хусусият — баъзан разведка хизматининг қатъий мантиғига зид келадиган «илмий рицарлик» намоён бўлди. Шунга қарамай, унинг ҳисоботлари ва хариталари ўнлаб йиллар давомида аниқлиги ва тўлиқлиги бўйича тенгсиз бўлиб қолди.

Громбчевский биографиясининг инқилобдан кейинги йиллардаги фожиавий жиҳати — Варшавада қашшоқликда кун кечириб, хотираларини эслаб ёзиб қолдирган асарлари муҳим аҳамият касб этади [27]. У айрим шахсларнинг тақдири буюк империялар чегараларини ҳал қилган бутун бошли давр тимсолига айланди [28]. Унинг жамоавий портретида Олой юриши прапоршигидан тортиб, умрининг охиригача “Дунё томи”га садокатини сақлаб қолган губернатор ва генерал даражасигача бўлган эволюция кузатилади. Унинг 1920-йилларда Янгхазбенд билан форс тилида олиб борган хат ёзишмалари бу давлатлар ҳалокатидан омон қолган шахсий дўстлик тасвирланган “Катта ўйин”нинг финал босқичини билдиради. Громбчевский ўзидан нафақат хариталар ва коллекциялар, балки Помирнинг рус геосиёсий маконининг ажралмас қисми эканлиги ҳақидаги ғояни ҳам қолдирди. Унинг тадқиқотчилар просопографиясига қўшган ҳиссаси шахсий истеъдод ва Шарқ маданиятини билиш империя манфаатларига қандай хизмат қилиши мумкинлигини намоён этади.

Помир рус тадқиқотчилари просопографияси 1870-1880 йиллардаги ишлари билан минтақани ўзлаштириш учун табиий-илмий пойдевор яратган бир гуруҳ йирик фуқаролик ва ҳарбий олимларсиз тўлиқ бўлмас эди. Николай Алексеевич Северцов, Иван Васильевич Мушкетов ва Василий Фёдорович Ошанин империянинг интеллектуал элитасини ифодалайди. Улар учун Помир очик осмон остидаги улкан лаборатория эди. Уларнинг фаолияти фундаментал фан ва амалий давлат вазифаларининг — қушлар миграциясини ўрганишдан тортиб артиллерия учун йўллар қидиришгача бўлган ноёб уйғунлиги билан характерланади. Улар харитадаги “оқ доғ”ни геологик маълумотлар, биологик турлар ва иқлим кузатувлари билан тўлдирган инсонлар эди [29].

Северцовнинг 1877–1878 йиллардаги экспедицияси Помир гидрографиясини тушунишда бурилиш нуқтаси бўлди. У европаликлар ичида биринчи бўлиб марказий ноҳияларни асосли ўрганиб, эски орографик схемаларни инкор этди ва Амударёнинг манбаи Оқсув дарёси эканлигини исботлади. Северцов ва унинг топографи Скарси нивелировка қилиш ва баландликларни барометрик аниқлаш бўйича улкан ҳажмдаги ишларни бажардилар. Бу эса минтақанинг биринчи илмий харитасини яратиш имконини берди. Ушбу экспедиция давомида эришилган ютуқлар учун 1878 йилда Н.А. Северцовга ИРГО (Император рус география жамияти) томонидан Ф.П. Литке медали, 1883 йилда эса Олтин Константинов медали берилди [30]. Просопографик жиҳатдан Северцов тоғлар баландлиги ва флоранинг тақсимланиши ўртасидаги боғлиқликни кўра оладиган қомусий олим типини гавдалантирган, бу эса баланд тоғли худудларда қўшинларни таъминлаш имкониятларига бевосита тааллуқли эди.

Етакчи геолог Иван Мушкетов тадқиқотчиларнинг жамоавий биографиясига қатъий геологик мантиқ элементини олиб кирди. И.В. Мушкетов бошчилигидаги экспедиция бўлими таркибига топограф В.А. Алексеев ва Чимион уезди бошлиғи штабс-капитан Н. Ляшевский кирди. Марғилонда жиҳозланган экспедиция Олой водийсига йўл олди, уни кесиб ўтиб, Туздараси ва Терсоқар довони орқали Олой орти тизмасидан ошиб ўтди. “Қашқар хони Ёқуббекнинг вафоти муносабати билан Шуғнон ва Дарвоздаги ғалаёнлар, қисман эса зарур захираларнинг йўқлиги сабабли” И.В. Мушкетов жанубга янада ичкарига кира олмади (аниқроғи, Туркистоннинг рус ҳукумати хавфсизлик нуқтаи назаридан унга руҳсат бермади) ва Олойга аввалги йўл билан қайтди[31]. У томонидан биринчилардан бўлиб Муғсув дарёси водийси ва умуман шимолий Помирнинг бир қисмига қисқача геологик таъриф берилди. Экспедиция Қоракўлда бўлишга муваффақ бўлди, унга бу ерда фақат Скобелевнинг Олой экспедицияси пайтида Л.Ф. Костенко бўлган эди. Кўл атрофини ўрганиш натижаларига кўра, И.В. Мушкетов у сезиларли даражада қуриб бораётган ёпиқ, оқмас сув ҳавзаси деган хулосага келди. Бундан ташқари, И.В. Мушкетов экспедицияси тадқиқотлари А. Гумбольдтнинг меридионал Болор тизмаси мавжудлиги ҳақидаги даъвосини инкор этиш имконини берди [32]. Кейинги йили И.В. Мушкетов Чатиркўлга экспедиция уюштириб, унинг атрофини ўрганди. Натижада Олой тизмасининг шарқий қисми геологик ўрганилди ва Наврўз ҳамда Беляули довонларидаги музликлар ҳақида маълумотлар олинди [33].

И.В. Мушкетовнинг Олой, шимолий Помир ва Фарғонада олиб борган тадқиқотлари натижасида Ўрта Осиё тоғларида қадимги музликларнинг ривожланиши Европадаги музликларга қараганда анча фарқи бор деган хулосага келди. Шунингдек, у мазкур ҳудудларда музликлар чекинаётгани ва қўллар қуриётгани ҳақида хулосага келди[34]. Унинг фундаментал “Туркистон” номли асари Бош штаб офицерларининг кейинги барча авлодлари учун дастуриламал китобга айланди. Мушкетов Помир ҳудудларини чуқур географик таҳлил объектига айлантириб, рус фанини Марказий Осиёни ўрганишда пешқадамга айлантирган шахс бўлди.

Антрополог ва географ Василий Ошанин жамоавий портретни музликларда ва гидрографияга оид олиб борган тадқиқотлари билан тўлдирди. Унинг 1879 йилда Федченко номи билан аталган улкан тоғ музлигини кашф этиши[35] рус илмий анъаналарининг изчиллиги тимсолига айланди. Ошанин ва унинг топографи Родионов Амударё ирмоқларининг ўта мураккаб тизимини аниқлаштирдилар, бу эса дарё номи кўпинча ҳудуднинг қайси давлатга тегишлилигини белгилайдиган чегара баҳсларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Уларнинг ишлари ҳайбатли музликлар ортида ўзига хос маданиятга эга бўлган аҳоли яшайдиган водийлар борлигини ва уларнинг Россия фуқаролигини қабул қилишга тайёрлиги маъмурият томонидан ҳисобга олиниши кераклигини кўрсатди.

Ушбу олимлар гуруҳининг жамоавий қиёфаси чегаралар хавфсизлиги йўлида инсон имкониятлари даражасида меҳнат қилган инсонлар тимсоли бўла олди. Улар совуққа ва очликка бардош бериб, яратган хариталари ва коллекциялари жаҳон фанининг мулкига айланди. Ҳатто британлик рақиблари томонидан ҳам тан олинди. Просопографик метод орқали уларда шунчаки хонада ишлаб ўтирадиган олимларини эмас, балки интеллектуал қудрати империя хизматига сафарбар этилган дала ишларининг ҳақиқий қаҳрамонларини кўриш имконини беради. Уларнинг фаолияти Россиянинг Помирдаги илмий нуфузи нафақат ҳарбийларнинг қуроллари билан, балки ўша даврнинг энг илғор ақл эгаларининг теодолитлари ва барометрлари билан ҳам қўлга киритилганини исботлади.

#### **4. Хулосалар:**

Ушбу инсонларнинг касбий ўзликни англаши ҳарбий бурч ва илмий иштиёқни умумлаштириш асосида қурилган бўлиб, бир вақтнинг ўзида ҳам разведкачи, ҳам ботаник олим бўлишда ҳеч қандай зиддият кўрмасдилар. Уларнинг Помирдаги фаолиятида “илмий олижаноблик” яққол кўзга ташланади. Рақиб ҳамкасбларга нисбатан ҳурмат ва билимларнинг умумий тараққиёти йўлида маълумотлар билан бўлишишгача тайёр эди. Бу ҳолат ўзларининг давлат манфаатларини қатъий ҳимоя қилишларига ҳеч халақит бермасди.

Уларни нафақат мансаб илинжи, балки маълум бўлган дунё сарҳадларини кенгайтириш ҳамда тоғли худудларга “цивилизация неъматларини” олиб киришга бўлган самимий интилиш иштиёқи бор эди. Громбчевский ёки Пржевальский каби инсонларнинг биографияларини тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, улар кўпинча кашфиётларга бўлган ҳис-туйғулар доирасида ўз имкониятлари чегарасида ҳаракат қилганлар.

Улар ўзлигининг муҳим таркибий қисми сифатида шарқона муҳитга тез мослаша олиш қобилиятида эди. Помиршунос тадқиқотчиларнинг аксарияти маҳаллий тил ва шеваларни мукамал билган, бу эса уларга чуқур разведка ишларини олиб боришда ва Помир халқларининг ишончини қозонишда қўл келган. Уларнинг просопографик жамоавий портретида Шарқ маданиятига бўлган ҳурмат ва буюк давлат вакилларига хос бўлган ғурур туйғусини ифодалар эди. Улар Помир минтақасида мустаҳкам ҳокимиятни таъминлашнинг бирдан-бир манбаи сифатида фақат тожик ва қирғизларнинг эҳтиёжларини тушуниш, уларнинг афғон ёки хитой босқинларидан хавфсизлигини таъминлаш эканлигини англаб етган эдилар. Просопография тадқиқот методи орқали ушбу гуруҳда табақавий бирдамликни ва ҳарбий биродарликка садоқатнинг юқори даражасини очиб беради.

Уларнинг 1917 йилдан кейинги қувғин ёки ҳалокат билан муҳрланган тақдирлари Россия империяси тарихи билан узвий боғлиқ. Рус “помиршунослари”нинг касбий ўзлиги улар хизмат қилган давлат билан бирга парчаланди, бироқ уларнинг меҳнат натижалари жаҳон илм-фан маданиятининг бир қисми бўлиб қолди. Ушбу тадқиқотчилар гуруҳининг жамоавий биографиясини ўрганиш орқали, шахс истеъдоди империя ғоясига хизмат қилишда энг тўлиқ ифодасини топган рус ҳарбий фанининг “олтин даври”нинг маҳсули бўлганлигини англаш мумкин. Уларнинг жамоавий портрети Марказий Осиёнинг замонавий харитасини яратган, ишига садоқати ва илмий қаҳрамонлиги чуқур ўрганишга лойиқ бўлган инсонлар қиёфасидир. Просопографик метод эса бизга чегара чизиқлари ортида умумий Помир минтақаси ва буюк қарама-қаршилиқнинг умумий даврида бирлаштирган тарих ижодкорларининг тирик сиймоларини кўриш имконини беради.

Помир рус тадқиқотчиларининг просопографик тадқиқотини яқунлар эканмиз, уларнинг жамоавий биографияси минтақанинг замонавий геосиёсий тузилмаси учун пойдевор бўлганлиги ҳақида хулоса қилиш зарур. Ушбу шахслар гуруҳининг XIX аср охири – XX аср бошидаги фаолияти Помирни Евроосиёнинг “порох бочкаси”дан аниқ демаркация қилинган чегаралар ва маъмурий тартиб маконига айлантирди. Просопография шуни кўрсатадики, давлат чегаралари нафақат Петербург ёки Лондон кабинетларининг сукунатида, балки Помир музликлари орасидаги чодирларда, исмлари географик кашфиётлар тарихига абадий муҳрланган инсонларнинг саъй-ҳаракатлари билан яратилган. Уларнинг мероси — нафақат хариталар ва ҳисоботлар, балки тизмалар ва қўлларнинг номлари бўлиб, улар тадқиқотчиларнинг истеъдоди ва жасоратига қўйилган ҳайкаллардир.

Рус “помиршунослари”нинг Федченко ва Мушкетовдан тортиб Громбчевский ва Ошанингача бўлган жамоавий қиёфаси бу илмий билиш орқали империя манфаатларига хизмат қилишдаги ҳайратланарли изчилликни намойиш этади. Улар Осиёни ўрганишнинг ўзига хос мактабини яратдилар, унда топографик аниқлик этносиёсий вазиятни чуқур тушуниш билан уйғунлашган эди. Уларнинг фаолияти натижалари Россияга стратегик муҳим худудларни ўз тасарруфида мустаҳкамлаб олиш ва чегаралар барқарорлигини ўнлаб йиллар олдинга таъминлаш имконини берди. Просопографик метод ушбу гуруҳнинг муваффақияти уларнинг юқори касбий тайёргарлиги, фидойилик қобилияти ва Шарқ маданиятига бўлган самимий қизиқиши билан боғлиқлигини аниқлади.

Тадқиқотчиларнинг ушбу юлдузли туркумини ўрганиш бизга “Катта ўйин” тарихига янгича назар ташлаш, унда нафақат манфаатлар тўқнашувини, балки юксак инсоний рух майдонини ҳам кўриш имконини беради. Уларнинг британлик рақиблари билан баъзан шахсий дўстликка айланиб кетган ўзаро алоқалари шуни кўрсатадики, ҳатто империявий қарама-қаршилиқ шароитида ҳам илмий изланиш ва инсоний қадр-қиммат қадриятлари сақланиб қолган. Умрини Варшавада қашшоқликда яқунлаган, бироқ ёшлик ғояларига содиқ қолган Бронислав Громбчевскийнинг тақдири ушбу даврнинг фожиавий ва улуғвор финали

тимсолидир. Ушбу инсонлар гуруҳининг меҳнати “эгасиз ер”нинг бугунги кунда бир асрдан кўпроқ вақт олдин чизилган чегаралар ичида яшаётган кўплаб халқлар учун уйга айланишини таъминлади.

Шундай қилиб, Помир тарихи тадқиқотига просопография методини қўллаш асосида таъкидлаш мумкинки, у империянинг кенгайиши ва дунёни илмий ўзлаштириш механизмларини тушунишда янги марраларни очади. Помир рус тадқиқотчиларининг жамоавий қиёфаси бу иқлими совуқ, тадқиқот олиб бориш учун жасорат талаб қиладиган ва шу билан бирга дунёнинг энг мафтункор жойлардан бирида тарих яратган авлоднинг портретидир. Бугунги Помир эса уларнинг хужжатларида, кундаликларида, хариталарида ва “Дунё томи”да истиқомат қилувчи халқлар хотирасида муҳрланган жамоавий жасоратини ифодаловчи макондир.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Юмашева Ю.Ю. Просопография как метод исторического исследования: теоретико-методологические аспекты // Вестник Московского университета. Серия 8: История. – 2004. – № 4. – С. 72–75. (Yumasheva, Yu. Yu. (2004). Prosopography as a Method of Historical Research: Theoretical and Methodological Aspects. Moscow University Bulletin. Series 8: History, (4), 72–75.)

2. Терехов В.П. Генезис отечественного памироведения // Знание. Понимание. Умение. – 2011. – № 1. – С. 124–126. (Terekhov, V. P. (2011). The Genesis of Russian Pamir Studies. Knowledge. Understanding. Skill, (1), 124–126.)

3. Игошина О.Ю. Методология проектирования просопографических баз данных по истории российской интеллигенции // Вестник Челябинского государственного университета. – 2009. – № 28 (166). История. Вып. 34. – С. 139–141. (Igoshina, O. Yu. (2004). Methodology for Designing Prosopographical Databases on the History of the Russian Intelligentsia. Bulletin of Chelyabinsk State University, (28), History. Vol. 34, 139–141.)

4. Сергеев Е.Ю. Большая игра, 1856–1907: мифы и реалии российско-британских отношений в Центральной и Восточной Азии. – М.: Товарищество научных изданий КМК, 2012. – С. 15–18. (Sergeev, E. Yu. (2012). The Great Game, 1856–1907: Myths and Realities of Russian-British Relations in Central and Eastern Asia. Moscow: KMK Scientific Press, 15–18.)

5. Постников А. В. Схватка на «Крыше Мира»: политики, разведчики и географы в борьбе за Памир в XIX веке. – М.: Памятники исторической мысли, 2001. – С. 112. (Postnikov, A. V. (2001). The Struggle on the "Roof of the World": Politicians, Spies, and Geographers in the Fight for the Pamirs in the 19th Century. Moscow: Pamyatniki Istoricheskoy Mysli. p. 112.)

6. Халфин Н.А. Присоединение Средней Азии к России (60-90-е годы XIX в.). – М.: Наука, 1965. – С. 45. (Khalfin, N. A. (1965). The Annexation of Central Asia to Russia (1860s–1890s). Moscow: Nauka. p. 45.)

7. Постников А.В. Схватка на «Крыше Мира»: политики, разведчики и географы в борьбе за Памир в XIX веке. – М.: Памятники исторической мысли, 2001. – С. 230–232. (Postnikov, A. V. (2001). The Struggle on the "Roof of the World": Politicians, Spies, and Geographers in the Fight for the Pamirs in the 19th Century. Moscow: Pamyatniki Istoricheskoy Mysli. pp. 230–232.)

8. Сергеев Е.Ю. Большая игра, 1856–1907: мифы и реалии российско-британских отношений в Центральной и Восточной Азии. – М.: Товарищество научных изданий КМК, 2012. – С. 301. (Sergeev, E. Yu. (2012). The Great Game, 1856–1907: Myths and Realities of Russian-British Relations in Central and Eastern Asia. Moscow: KMK Scientific Press. p. 301.)

9. Басханов М.К. Русские военные востоковеды до 1917 года: биобиблиографический словарь. – М.: Восточная литература, 2005. – С. 12. (Baskhanov, M. K. (2005). Russian Military Orientalists before 1917: A Bio-bibliographical Dictionary. Moscow: Vostochnaya Literatura. p. 12.)

10. Агаханянц О.Е. Между Гиндукушем и Тянь-Шанем: история изучения природы Памира. – Душанбе: Дониш, 1962. – С. 45. (Agakhanyants, O. E. (1962). Between the Hindu Kush and the Tien Shan: A History of the Study of Pamir Nature. Dushanbe: Donish. p. 45.)()

11. Басханов М.К. Русские военные востоковеды до 1917 года: биобиблиографический словарь. – М.: Восточная литература, 2005. – С. 14. (Baskhanov, M. K. (2005). Russian Military Orientalists before 1917: A Bio-bibliographical Dictionary. Moscow: Vostochnaya Literatura. p. 14.)

12. Хопкирк П. Большая игра против России: Азиатский синдром / пер. с англ. И. И. Кубицкой. – М.: Рипол Классик, 2004. – С. 341. (Hopkirk, P. (2004). The Great Game: The Struggle for Empire in Central Asia (Trans. by I. I. Kubitskaya). Moscow: Ripol Classic. p. 341.)

13. Постников А. В. Схватка на «Крыше Мира»: политики, разведчики и географы в борьбе за Памир в XIX веке. – М.: Памятники исторической мысли, 2001. – С. 280. (Postnikov, A. V. (2001). The Struggle on the "Roof of the World": Politicians, Spies, and Geographers in the Fight for the Pamirs in the 19th Century. Moscow: Pamyatniki Istoricheskoy Mysli. p. 280.)

14. ЎзМА Р-2464 - фонд, 1 - рўйхат, 3 - йиғмажилд, 93-94 варақлар. (NAUz. Fund R-2464, Inventory 1, File 3, Leaves 93-94.)

15. Мазкур экспедиция ва унинг натижалари хусусида қаранг: Федченко А. [Сообщение о последнем путешествии в Кокандское ханство] // Известия Императорского Русского географического общества. 1872. Т. VIII. С. 5-20; Яна у. // Федченко А.П. Путешествие в Туркестан. М.: Географгиз, 1950. С. 187-384; Яна у. В Кокандском ханстве Объяснительная заметка к карте Кокандского ханства и прилегающих стран // Ўша жойда. Б. 385-398; Письма А.П. Федченко – Туркестанскому генерал-губернатору К.П. Кауфману о своем путешествии по Кокандскому ханству // А.П. Федченко. Сборник документов. Сост. З.И. Агафонова, канд. ист. наук Н.А. Халфин. Вступ. статья канд. геогр. наук А.А. Азатьяна. Ташкент: Госиздат УзССР, 1956. С. 123-146 ва б. (For details on this expedition and its results, see: Fedchenko, A. (1872). [Report on the last journey to the Khanate of Kokand]. Proceedings of the Imperial Russian Geographical Society. Vol. VIII. pp. 5-20; Ibid. // Fedchenko, A. P. (1950). Journey to Turkestan. Moscow: Geografiz. pp. 187-384; Ibid. In the Khanate of Kokand: Explanatory note to the map of the Khanate of Kokand and adjacent countries. pp. 385-398; Letters of A. P. Fedchenko to the Governor-General of Turkestan K. P. Kaufman about his journey through the Khanate of Kokand // A. P. Fedchenko: Collection of Documents. Compiled by Z. I. Agafonova and N. A. Khalfin. Tashkent: Gosizdat UzSSR, 1956. pp. 123-146, etc.)

16. Карта Коканского ханства и верховьев Аму-Дарьи на основании существующих сведений, собственных маршрутов и расспросов составил А.П. Федченко. Дополнено и печатано в картографическом заведении Главного Штаба. [Санкт-Петербург], 1872. (Map of the Khanate of Kokand and the Headwaters of the Amu Darya based on existing information, personal routes, and inquiries compiled by A. P. Fedchenko. Supplemented and printed at the Cartographic Establishment of the General Staff. [St. Petersburg], 1872.)

17. Костенко Л.Ф. Военно-научная экспедиция на Алай и Памир // Военный сборник. 1877. Т. XX. № 4. С. 375; Костенко Л. Экспедиция в Алайские горы // Русский инвалид. 1876. № 206, 211, 229, 235, 239, 250; Петерсен В. Из воспоминаний о походе на Алай в 1892 г. // Туркестанские ведомости. 1894. № 90, 91. (Kostenko, L. F. (1877). Military-scientific expedition to the Alay and Pamir. Voenny Sbornik (Military Collection). Vol. XX, No. 4. p. 375; Kostenko, L. Expedition to the Alay Mountains. Russkiy Invalid. 1876. No. 206, 211, 229, 235, 239, 250; Petersen, V. From memoirs of the campaign to the Alay in 1892. Turkestanskije Vedomosti. 1894. No. 90, 91.)

18. Батафсил у ҳақида қаранг: Басханов М.К. К последнему перевалу: жизнь и странствия Бронислава Громбчевского // Дервиш Гиндукуша: Путевые дневники центральноазиатских экспедиций генерала Б.Л. Громбчевского. – СПб.: Нестор-История, 2015. С. 7-76; Рудницкий А.Ю. Этот грозный Громбчевский... Большая игра на границах империи. СПб.: Алетейя, 2013 ва б. (For more details, see: Baskhanov, M. K. (2015). To the Last

Pass: Life and Travels of Bronislav Grombchevsky // The Dervish of the Hindu Kush: Travel Diaries of General V. L. Grombchevsky's Central Asian Expeditions. St. Petersburg: Nestor-Istoriya. pp. 7-76; Rudnitsky, A. Yu. (2013). The Formidable Grombchevsky... The Great Game on the Borders of the Empire. St. Petersburg: Aletheia, etc.)

19. Постников А.В. Схватка на «Крыше Мира»: политики, разведчики и географы в борьбе за Памир в XIX веке. – М.: Памятники исторической мысли, 2001. – С. 145 (Postnikov, A. V. (2001). The Struggle on the "Roof of the World". p. 145.)

20. Басханов М.К. Русские военные востоковеды до 1917 года: библиографический словарь. – М.: Восточная литература, 2005. – С. 66. (Baskhanov, M. K. (2005). Russian Military Orientalists before 1917. p. 66.)

21. Батафсил каранг: Громбчевский Б.Л. На службе российской. Фрагменты воспоминаний. М.: Научный мир, 2016; Яна у. Путешествия по Центральной Азии. – СПб. : Нестор-История, 2019; Дервиш Гиндукуша: Путевые дневники центральноазиатских экспедиций генерала Б.Л. Громбчевского. – СПб.: Нестор-История, 2015. (For details, see: Grombchevsky, V. L. (2016). In the Russian Service: Fragments of Memoirs. Moscow: Nauchny Mir; Ibid. (2019). Travels in Central Asia. St. Petersburg: Nestor-Istoriya; The Dervish of the Hindu Kush: Travel Diaries of General V. L. Grombchevsky's Central Asian Expeditions. St. Petersburg: Nestor-Istoriya, 2015.)

22. РИТСА (Россия империяси ташки сиёсати архиви). 147-фонд, 485-рўйхат, 864-йифмажилд, 394-400-варақлар. (Archive of the Foreign Policy of the Russian Empire (AVPRI). Fund 147, Inventory 485, File 864, Leaves 394-400.)

23. Хопкирк П. Большая игра против России: Азиатский синдром / пер. с англ. И. И. Кубицкой. – М.: Рипол Классик, 2004. – С. 382. (Hopkirk, P. (2004). The Great Game: The Struggle for Empire in Central Asia. p. 382.)

24. Постников А. В. Схватка на «Крыше Мира»: политики, разведчики и географы в борьбе за Памир в XIX веке. – М.: Памятники исторической мысли, 2001. – С. 162. (Postnikov, A. V. (2001). The Struggle on the "Roof of the World". p. 162.)

25. Хопкирк П. Большая игра против России: Азиатский синдром / пер. с англ. И. И. Кубицкой. – М.: Рипол Классик, 2004. – С. 385. (Hopkirk, P. (2004). The Great Game. p. 385.)

26. Постников А.В. Схватка на «Крыше Мира»: политики, разведчики и географы в борьбе за Памир в XIX веке. – М.: Памятники исторической мысли, 2001. – С. 170. (Postnikov, A. V. (2001). The Struggle on the "Roof of the World". p. 170.)

27. Басханов М. К. Русские военные востоковеды до 1917 года: библиографический словарь. – М.: Восточная литература, 2005. – С. 68. (Baskhanov, M. K. (2005). Russian Military Orientalists before 1917. p. 68.)

28. Постников А.В. Схватка на «Крыше Мира»: политики, разведчики и географы в борьбе за Памир в XIX веке. – М.: Памятники исторической мысли, 2001. – С. 305. (Postnikov, A. V. (2001). The Struggle on the "Roof of the World". p. 305.)

29. Батафсил каранг: Северцов Н.А. Орографический очерк Памирской горной системы // Известия Императорского Русского географического общества. СПб., 1879. Т. XV. С. 1-54; Мушкетов И.В. Отчёт о путешествии в Туркестан и исследованиях в горах Тянь-Шаня и Памира // Известия Императорского Русского географического общества. 1877. Т. 13. С. 1-40; Яна у. Отчёт о геологических исследованиях в Туркестанском крае // Известия Императорского Русского географического общества. 1878. Т. 14. С. 1–52; Ошанин В.Ф. Каратегин и Дарваз // Известия Императорского Русского географического общества. 1887. Т. XVII. С. 21-58; Яна у. На верховьях Мук-су // Известия Императорского Русского географического общества. 1880. Т. XVI. С. 34-59. (For more details, see: Severtsov, N. A. (1879). Orographic sketch of the Pamir mountain system. Proceedings of the Imperial Russian Geographical Society. St. Petersburg. Vol. XV. pp. 1-54; Mushketov, I. V. (1877). Report on a journey to Turkestan and research in the Tien Shan and Pamir mountains. Ibid. Vol. 13. pp. 1-40; Ibid. (1878). Report on geological research in the Turkestan region. Ibid. Vol. 14. pp. 1–52;

Oshanin, V. F. (1887). Karategin and Darvaz. Ibid. Vol. XVII. pp. 21-58; Ibid. (1880). On the headwaters of the Muksu. Ibid. Vol. XVI. pp. 34-59.)

30. Золотницкая Р.Л. По дорогам неведомого Туркестана. К 150-летию со дня рождения Н. А. Северцова. М., 1978. С. 73. (Zolotnitskaya, R. L. (1978). Along the Roads of Unknown Turkestan: On the 150th Anniversary of the Birth of N. A. Severtsov. Moscow. p. 73.)

31. Мушкетов И.В. Геологическое путешествие на Алай и Памир в 1877 г. // Мушкетов И.В. Собрание сочинений. Санкт-Петербург: Типография Императорской Академии наук, 1910. Вып. 1. С. 371. Шунингдек қаранг: ЎзМА. И-276-фонд, 1-рўйхат, 78-йифмажилд, 3-варак. (Mushketov, I. V. (1910). Geological journey to the Alay and Pamir in 1877 // Mushketov I.V. Collected Works. St. Petersburg: Printing House of the Imperial Academy of Sciences. Vol. 1. p. 371. See also: National Archives of Uzbekistan (NAUz). Fund I-276, Inventory 1, File 78, Leaf 3.)

32. Мушкетов И.В. Геологическое путешествие на Алай и Памир в 1877 г. // Мушкетов И.В. Собрание сочинений. Санкт-Петербург: Типография Императорской Академии наук, 1910. Вып. 1. С. 375-376. (Mushketov, I. V. (1910). Geological journey to the Alay and Pamir in 1877 // Collected Works. Vol. 1. pp. 375-376.)

33. Мушкетов И.В. Геологическая экспедиция к озеру Чатыр-куль в 1878 г. // Мушкетов И.В. Собрание сочинений. Санкт-Петербург: Типография Императорской Академии наук, 1910. Вып. 1. С. 379-385. (Mushketov, I. V. (1910). Geological expedition to Lake Chatyr-Kul in 1878 // Collected Works. Vol. 1. pp. 379-385.)

34. Мушкетов И.В. Геологический характер Памира и Алая в связи с Туранскою низменностью // Мушкетов И.В. Собрание сочинений. Санкт-Петербург: Типография Императорской Академии наук, 1910. Вып. 1. С. 405. (Mushketov, I. V. (1910). The geological character of the Pamir and Alay in connection with the Turan Lowland // Collected Works. Vol. 1. p. 405.)

35. Ошанин В.Ф. На верховьях Муксу // Известия Императорского Русского географического общества. Т. XVI. Санкт-Петербург, 1880. С. 50. (Oshanin, V. F. (1880). On the headwaters of the Muksu. Proceedings of the Imperial Russian Geographical Society. Vol. XVI. St. Petersburg. p. 50.)

# ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
LOOK TO THE PAST

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000